

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc27.06.2017.Psi.01.07 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

МЕЛИБАЕВА РУЗАХОН НАСИРОВНА

**ТАЛАБАЛАР ТАФАККУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
ПСИХОЛОГИК МЕХАНИЗМЛАРИ**

19.00.06 – Ёш ва педагогик психология. Ривожланиш психологияси

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Огловление автореферата доктора философии (PhD)

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy PhD)

Мелибаева Рузахон Насировна

Талабалар тафаккурини ривожлантиришнинг психологик
механизмлари..... 3

Мелибаева Рузахон Насировна

Психологические механизмы развития мышления студентов 23

Melibayeva Ruzakhan Nasirovna

Psychological mechanisms of developing students' thinking..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 47

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Psi.01.07 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

МЕЛИБАЕВА РУЗАХОН НАСИРОВНА

**ТАЛАБАЛАР ТАФАККУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
ПСИХОЛОГИК МЕХАНИЗМЛАРИ**

19.00.06 – Ёш ва педагогик психология. Ривожланиш психологияси

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/Psi30 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (ik-falsafa@nuu.uz) ҳамда “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ғозиев Эргаш Ғозиевич
психология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Азим Меликулович Жабборов
психология фанлари доктори, профессор
Бахтиёр Назарович Сирлиев
психология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.PSI.01.07 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил “___” _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона Тел.: (99871) 246-52-74; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz..)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎЗМУ Бош ўқув биноси, “В” қисм, 2-қават, 217-хона. Тел.: (99871) 246-67-71; факс: (99871) 246-02-24).

Диссертация автореферати 2018 йил “___” _____ да тарқатилди.
(2018 йил “___” _____ даги йил ___ рақамли реестр баённомаси.)

Ғ.Шоумаров

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, психол.ф.д., профессор

А.Расулов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, психол.ф.н., доцент

Н.Сафаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, психол.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ҳар бир мамлакат таълим тизимида зехнли, иқтидорли, қобилиятли ва ижодкор инсонларни ўқитиш ҳамда уларни жамият тараққиётига тайёрлаш устувор вазифа сифатида муҳим аҳамиятга эга. ЮНЕСКОнинг маълумотларига кўра, “турмуш учун зарур билим, кўникма ва малакаларини шакллантирувчи, барқарор ривожланишга эришиш мақсадини таъминловчи маскан олий таълим муассасаси бўлиб қолмоқда ва дунёнинг энг ривожланган мамлакатларида олий таълим олишга эҳтиёж бугунги кунда жадал ўсиб бормоқда. Бу ҳолат статистик маълумотларга кўра, ривожланмаган мамлакатларнинг 8 % ёшлари университетларда таҳсил олаётган бўлсалар, энг ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич 74 %ни ташкил қилаётганлиги қайд этилган”¹. Олий маълумотга эга бўлиш жаҳон миқёсида муҳим эҳтиёж сифатида қаралмоқда, уни қондиришда таълим жараёни мазмунини бойитиш, педагог фаолиятини ҳамда талабалар ақлий қобилияти, тафаккурини ривожлантириш энг долзарб муаммолардан бири саналади.

Жаҳон миқёсида тафаккур психологияси соҳасидаги тадқиқотларнинг алоҳида йўналиши талабаларда назарий ва амалий, инновацион, креатив, композицион, танқидий ва техник тафаккурнинг шаклланиш хусусиятлари, визуал тафаккурни ривожлантиришда таълим ресурлари таъсири, ахборот технологияларининг аҳамияти, фикр юритиш маданиятини шакллантириш, хорижий тилларни ўрганиш орқали тафаккурни ўстириш муаммолари бўйича ўтказилади. Мазкур йўналишда, айниқса, талабалик даврида тафаккурни ривожлантиришнинг устувор усуллари ва шарт-шароитларини ифодаловчи психологик механизмларни аниқлаш ҳамда жорий этиш муаммосига катта эътибор қаратилмоқда. Айни вақтда талабалар тафаккурини ривожлантириш услубларига, ижодий тафаккурни шартловчи оригиналлик, эгилувчанлик, аниқлик ҳамда тезкорлик каби хусусиятларга, муаммоли таълим топшириқлари, ҳамкорлик фаолиятига бу соҳада долзарб масалалар сифатида қаралмоқда.

Мустақиллик йиллари мамлакатимизда ёшларнинг ақлий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур имкониятларни яратиш масаласига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Хусусан, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш”² вазифалари белгиланган. Бугунги кунда амалга оширилаётган чоралар таркибида, жумладан, талабаларнинг таълим

¹ <https://thinktanks.by/publication/2017/04/21/yunesko-kolichestvo-studentov-v-mire-s-2000-po-2014-god-udvoilos.htm>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

жараёнидаги фаоллигини юксалтириш, касбий фаолият учун зарур билим, кўникма, малакалар эгаллашини, муаммолар устида ишлашда мустақил ва ижодий ёндашувини таъминловчи тафаккурни ривожлантиришнинг психологик механизмларини такомиллаштириш борасида илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш муҳим масалалар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни (2016), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”¹ги Қарори ҳамда ушбу фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик давлатни ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тафаккур инсон ақлий камолотининг муҳим қирраси ва билиш фаолиятини шартловчи психологик муаммо сифатида узок йиллардан буён тадқиқ этилмоқда. Шу боис жаҳон психологиясида тафаккур инсон руҳиятининг ўзига хос бўлган ақлий фаолиятининг муҳим жабҳаси эканлигига доир кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. Хорижлик психолог тадқиқотчилар томонидан тафаккурнинг методологик масалалари О.К.Тихомиров (2002), С.Л.Рубинштейн (2000), Л.Л.Гурова (2005), Л.С.Виготский (1982), Я.А.Пономарев (1976); тафаккурнинг когнитив омиллар билан боғлиқлиги Р.А.Вачелор (1989), Л.М.Веккер (1998), М.С.Егорова (2000), Н.В.Калачева (2004), С.Н.Орлова (2001); тафаккур, интеллект ва интеллектуал қобилиятлар муносабатлари (J.P.Guilford (1987), Д.В.Ушаков (1999), М.А.Холодная (2002); тафаккур ва унинг турлари, ижод ва ижодкорлик фаолияти психодиагностикаси (Е.Р.Torrance (1988), М.К.Акимова, В.Т.Козлова (2006), F.N.Dunbar (1978), Ж.А.Балакшина, Т.В.Прохоренко (2002), Е.Е.Туник (2000), Т.В.Галкина (1991), В.Н.Дружинин (2001), М.Місhаlкo (2006), С.W.Taylor (1988); ижодий тафаккур, унинг хусусиятлари ва ривожлантириш усуллари О.А.Беляева (1998), П.Я.Гальперин, В.Л.Данилова (1998), Ю.Б.Гатанов (2000), И.М.Киштимова (2000), Дж.И.Ниренберг (1996), Д.Халперн (2000), С.Н.Семенов (2005); тафаккурни ривожланиш қонуниятлари В.П.Зинченко (2001); талабалар тафаккури ва интеллектини ривожланиш хусусиятлари В.В.Капцов (2002); инсон тафаккурининг психологик механизмлари

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли қарори.

С.В.Маланов (2004), Е.И.Бойко (2002); тафаккур ва психик жараёнларнинг ўзаро муносабатлари А.М.Матюшкин (1982), Д.Шакирова, И.Ф.Сибгатуллина, Дж.Сулейманов (2005); турли ёш босқичларида тафаккур турларининг намоён бўлиши ва ривожланиши Л.Ф.Обухова, С.М.Чурбанова (1995), С.Н.Орлова (1996), И.Ф.Сибгатуллина (2002), Н.И.Чернецкая (2002), С.А.Водяха (2000), В.В.Гагай (2004), Т.Г.Кудрина (1987), И.А.Медведева (2001), Н.С.Лейтес (2000); тафаккурнинг таълим олувчи билан таълим берувчи муносабатларида намоён бўлиш хусусиятлари Т.В.Хромов (1997); ўқув жараёнини ташкилий жиҳатларини билиш фаолиятига таъсири А.Ю.Акмалов (1995), М.В.Гулакова (2000), Т.В.Корнилова (2012); тафаккурнинг фаолият соҳаларига кўра намоён бўлиш хусусиятлари М.М.Кашапова (2000), О.М.Разумникова (2002), А.Сaspi, P.Gorsky (2006), R.Pilkington (2001) томонидан ўрганилган. Шундай бўлса-да, талабалар тафаккурини психологик тадқиқот предмети сифатида ўрганиш, унинг психологик хусусиятлари ва механизмлари масаласи доимий равишда изланишлар олиб боришга зарурат туғдиради.

Ўзбекистонлик психолог тадқиқотчилар томонидан ҳам тафаккур, ижодий фаолият, мустақил фикрлаш хусусиятлари, таълим жараёнида тафаккурни ривожлантириш масалаларига доир изланишлар олиб борилган бўлса-да (Э.Ғ.Ғозиев (1990, 2002), Ғ.Б.Шоумаров (1979), Б.Р.Қодиров (1999), В.М.Каримова (1998), Р.И.Суннатова (1998), Н.С.Сафаев (2005), З.Т.Нишанова (2005), К.Қ.Мамедов (2001), Э.З.Усмонова (2000), аммо талабалар тафаккурининг психологик механизмлари муаммоси юзасидан алоҳида изланишлар амалга оширилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг “Баркамол шахсни шакллантириш” мавзусидаги илмий тадқиқот ишлари доирасида ҳамда Республика болалар ижтимоий мослашув марказининг 51-01/78 рақамли “10-синф ўқувчиларидаги иқтидор хусусиятларини ўрганиш ва уларни ижтимоий муҳитга мослаштириш” ва “Ойдин ҳаёт” Республика соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш маркази томонидан (2012–2014) бажарилган А-1-029 рақамли “Ўзлуксиз таълим тизимида ёшлар маънавий маданиятини шакллантириш жараёнини модернизация қилиш технологияси” лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади талабалар тафаккурини ривожлантиришнинг психологик механизмларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

талабалар тафаккурининг ривожланиш даражасини диагностика қилиш методикаларини тизимлаштириш ва татбиқ қилиш;

талаблар тафаккурининг ривожланишида тафаккур типлари ва услубларининг намоён бўлиш хусусиятларини аниқлаш;

талабалар тафаккурини ривожлантиришга мўлжалланган топшириқ ва машқлар мажмуини шакллантириш;

талабалар ижодий тафаккурининг ривожланиш хусусиятларини ёритиш;

талабалар тафаккурининг ривожланишига таъсир кўрсатувчи ўқув машғулотларнинг ташкилий-услубий жиҳатлари таъсирини аниқлаш;

таълим жараёнида талабалар тафаккури ривожланишининг психологик механизмлари тузилмасини шакллантириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ва Қўқон давлат педагогика институтининг 450 нафар талабалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети талабалар тафаккурини ривожлантиришнинг психологик механизмларини шартловчи тафаккур типлари ва услублари ҳамда таълим жараёни, таълим босқичлари ва ижодий тафаккурнинг намоён бўлишини изоҳловчи омиллар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Кузатиш методи талабаларнинг таълим жараёнларидаги ақлий фаолиятини ташкил қилиш хусусиятларини қайд этиш учун қўлланилади; суҳбат методи талабалар билан тафаккур моҳиятини муҳокама қилишда татбиқ қилинади; таълим жараёнида талабалар тафаккури даражасини, типларини ўрганишда “Тафаккур типлари ва креативлик даражасини аниқлаш” сўровномаси (Дж.Брунер), таълим жараёнидаги топшириқлар ва муаммоларни таҳлил қилишга хизмат қилувчи тафаккур услубларини тадқиқ қилишда “Тафаккур услублари” сўровномаси (А.А.Алексеев ва Л.А.Громова), талабаларда ижодий тафаккур хусусиятларининг ривожланганлик ҳолати “Ижодий тафаккур” тести батареяси (Е.Е.Туник) ва “Ижодий тафаккур” тестидан (П.Торренс) фойдаланилди; математик-статистика методлари (фоизли таҳлил, фактор таҳлили, Студентнинг t-мезони, К.Пирсоннинг r корреляция коэффициентини ҳисоблаш методлари) ёрдамида тадқиқотда қўлга киритилган миқдорий кўрсаткичлар қайта ишланди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

талабаларнинг таълим жараёнидаги топшириқ ва муаммоли вазиятларни англаши, таҳлил қилиши ва ечимини топишни таъминловчи предметли, символли, белгили, образли тафаккур типлари ва синтетик, ғоявий, прагматик, аналитик, реалистик тафаккур услублари даражалари аниқланган;

талабалар тафаккурининг оригиналлик, эгилувчанлик, аниқлик ва тезкорлик хусусиятларини ривожлантирувчи психотренинг машқлари тўплами шакллантирилган ва уларни психодиагностика қилиш методикаси татбиқ этилган;

талабалар тафаккурини ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи ва психологик феноменларини тавсифловчи ўқув материаллари мазмуни, ўқув фаолияти мотивациялари характери ва шахслилик хусусиятлари каби етакчи омиллар аниқланган;

ўқув машғулотларини ташкил этишнинг услубларини тадқиқ қилиш асосида кичик гуруҳларда ишлаш ва лойиҳа-тадқиқотчилик фаолияти талабалар ижодий тафаккурини ривожлантирувчи самарали машғулот турлари эканлиги аниқланган;

талабалар тафаккурини дидактик омиллар (ўқув-машғулоти мазмуни, таълим усуллари, воситалари, шарт-шароитлари ва принциплари) асосида ривожлантиришнинг психологик механизмлари тузилмаси такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

таълим муҳитида талабалар тафаккурини ривожланганлик даражасини ишончли тахлис қилишда қўлланиши мумкин бўлган услубий воситалар амалиётда фойдаланиш учун тақдим этилган;

талабалар тафаккурини ривожлантиришда индивидуал ва гуруҳий тарзда фойдаланиш мумкин бўлган ақлни ўстирувчи машқлар ва топшириқлар, интуитив ва шаблонсиз фикрлашга ўргатувчи муаммоли тренинг курси тавсия қилинган;

талабаларни таълим жараёнида ва кундалик турмушда ижодий фикрлашга ўргатувчи топшириқлар ва уларни баҳолаш мезонлари таклиф қилинган;

талабалар тафаккурини ривожлантиришга оид таълим технологияларига асосланган топшириқлар тўплами таклиф этилган;

талабалар тафаккури ривожланганлигини кенг қамровли ўрганишга мўлжалланган психодиагностик баҳолаш тизимлаштирилган ва синовдан ўтказилган ҳамда педагог кадрлар, ижтимоий соҳа мутахассислари, амалиётчи-психологлари қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнида фойдаланиш учун тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот мобайнида тўпланган маълумотларнинг ишончлилиги, аввало, тадқиқотда қатнашган респондентларнинг етарлича репрезентативлиги, олинган эмпирик, миқдорий кўрсаткичларнинг математик-статистиканинг ишончли усуллари ёрдамида таҳлил қилинганлиги, текширувларнинг бир неча аниқ ва режали босқичларда ва турли усуллар ёрдамида амалга оширилганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги билан; тадқиқот маълумотларини билишнинг назарияси, методологияси (детерминизм, тизимли ёндашув) талаблари асосида таҳлил этилгани; тадқиқот майдони сифатида турли ҳудудлардаги муассасалар танлангани; барча оралик натижалар йирик илмий анжуманлар фаолияти доирасида етакчи олимлар иштирокида муҳокама қилингани билан таъминланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти талабалар тафаккури ривожланишининг психологик механизмларини тавсифловчи жиҳатлар, таълим жараёнида тафаккур ривожланишига таъсир кўрсатувчи омилларнинг аниқланганлиги, талабалар тафаккуридаги етакчи типлар ва услубларнинг даражалари ёритилганлиги, респондентлар тафаккури ривожланишида таълим

босқичлари, таълим йўналишлари, таълим жараёнида қўлланиладиган машғулот усулларининг хусусиятлари аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти талабалар тафаккури ривожланганлигига доир олинган маълумотлардан таълим жараёнида талабалар билан муаммоли, ҳамкорлик, лойиҳа-тадқиқотчилик фаолиятини ташкил қилишда, таълим оловчилар тафаккурини диагностика қилишда, болалар ва ўсмирлар ижодиёт марказлари ўқувчилари билан фаоллаштирувчи машғулотлар ташкил этишда, педагогик кадрларни малака ошириш курслари тингловчиларининг касбий тайёргарлик даражасини ошириш, олий таълим муассасаларининг барча таълим йўналишларида, шунингдек, психология таълим йўналишида умумий психология, экспериментал психология, психодиагностика, педагогик психология ва амалий психология курслари бўйича ўтказиладиган назарий ва амалий машғулотларда фойдаланиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Талабалар тафаккурини ривожлантиришнинг психологик механизмларини илмий-методик таъминотини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

таълим жараёнида тафаккурнинг ривожланишида типлар ва услублар намоён бўлишини, ижодий тафаккурнинг ривожланганлик даражасини изоҳловчи илмий натижалар олий ўқув юртлари таълим-тарбия жараёнига жорий қилинган (ОЎМТВнинг 24.08.2017 йил №603-042 гувоҳномаси). Натижада педагогларнинг таълим жараёнида талабаларда ижодий фикрлаш қобилияти ривожланишини таъминлаши бўйича янги имкониятлар яратилган;

таълим оловчилар тафаккурининг оригиналлик, эгилувчанлик, аниқлик ва тезкорлик хусусиятларини ривожлантирувчи психотренинг дастури шакллантирилган ва уларнинг психодиагностика методикасини (“Ижодий тафаккур” тести) такомиллаштиришга доир илмий натижалар Республика болалар ижтимоий мослашув маркази (РБИММ) фаолиятига жорий қилинган (РБИММнинг 2018 йил 27 февралдаги 06/46-сон маълумотномаси). Натижада болалар ижтимоий мослашув маркази тарбияланувчиларининг тафаккурини ривожлантириш самарадорлигини таъминлашга хизмат қилган;

таълим оловчиларда тафаккурнинг ривожланишига таъсир қилувчи ва бу жараёнга хос психологик феноменларни акс эттирувчи ўқув-услубий материаллар, психодиагностика воситалари Республика болалар ижтимоий мослашув маркази (РБИММ) фаолиятига жорий қилинган (РБИММнинг 2018 йил 27 февралдаги 06/46-сон маълумотномаси). Натижада болалар тафаккурини ривожланиш даражасини аниқлаш, уларда ижодий тафаккур, креативлик қобилиятлари даражасини объектив баҳолаш имкониятларини кенгайтирган;

ижодий тафаккурни ривожлантиришда муаммоли маъруза, семинар, кичик гуруҳларда ишлаш ва лойиҳа-тадқиқотчилик каби ўқув машғулот турларининг таъсирини изоҳловчи натижалар Республика болалар ижтимоий

мослашув маркази фаолиятида жорий қилинган (РБИММнинг 2018 йил 27 февралдаги 06/46-сон маълумотномаси). Натижада болалар билан интеллектуал сифатларни ривожлантириш бўйича мураббийлар олиб бораётган ишнинг илмий-методик таъминотини кучайтирган;

таълим жараёнида қўлланиладиган ўқув топшириқлари ва мотивацион, услубий, хусусиятли, типлаштириш, шарт-шароит каби омилларни ўз ичига олган талабалар тафаккурини ривожлантиришнинг психологик механизмлари тузилмаси 5111400 – Хорижий тил ва адабиёти (тиллар бўйича) таълим йўналиши талабаларига тайёрланган “Умумий психология” ўқув қўлланмаси мазмунига киритилган (ОЎМТВнинг 24.08.2017 йил №603-042 гувоҳномаси) ҳамда у бўлғуси мутахассислар касбий-психологик тайёргарлигини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотнинг натижалари, жумладан, 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 196 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологиялар ривожланишининг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши тўғрисидаги маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Психология фанида тафаккур категориясининг ўрганилиши”** деб номланган биринчи бобида илмий психологик мактабларда тафаккурнинг тадқиқ қилиниши (Давид Юм, Давид Гартли, Джозеф Пристли, Джемс Миль, Джон Стюарт Миль, Александр Бен, Герберт Спенсер, Т.Рибо, Теодор Циген, Юлиус Эббингауз (ассоциатив оқим); Дж.Уотсон, Э.Торндайк, К.Лешли, А.Вейс, Д.Миллер, Ю.Галантер, К.Прибрам (бихевиоризм); О.Кюльпе, К.Бюллер, А.Мессер, Ах Нарцис, О.Зельц (Вюрцбург психология мактаби); Х.Эренфельс, В.Кёлер, К.Кофка, М.Вертгаймер, К.Дункер (гештальт психология); Ж.Пиаже (интеллект

назарияси), собиқ иттифоқ психологиясида тафаккурнинг экспериментал тадқиқ этилиши (Л.С.Виготский, П.П.Блонский, С.Л.Рубинштейн, А.Н.Леонтьев, Н.А.Менчинская, Д.Н.Богоявленский, С.Ф.Жуйков, А.М.Матюшкин, П.Я.Гальперин, О.К.Тихомиров, А.В.Брушлинский, Т.В.Кудрявцев, Б.В.Зейгарник, В.В.Давидов, Я.А.Пономарев, Н.Н.Поддьяков, А.А.Люблинская, Л.В.Занков, Н.Д.Левитов ва бошқалар) ҳамда мамлакатимиз психологлари асарларида тафаккур муаммосининг ўрганилиши (П.И.Иванов, Н.Н.Негматов, М.Воҳидов, М.Г.Давлетшин, Э.Ғ.Ғозиев, К.Турғунов, Р.И.Суннатова, В.М.Каримова, З.Т.Нишонова ва бошқалар) масалалари кўриб чиқилган. Шунингдек, бобда ижодий тафаккурнинг назарий масалалари ўзига хос таҳлил қилинган.

Диссертациянинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда **“Талабалар тафаккурининг тадқиқот методлари ва натижалари”** деб номланган иккинчи бобда изланиш учун метод ва методикалар танланган, эмпирик тест-синов машғулотларини ўтказишга муҳим негиз ҳозирланган, тажриба босқичлари белгилаб чиқилган, тушуниш жараёнини ижодий тафаккур муаммоси сифатида ёритилган ҳамда талабалар ўқув фаолиятидаги тафаккурининг ўзига хослигини белгиловчи тафаккур типлари ва услублари эмпирик ўрганиш таҳлили амалга оширилган.

Бу жараёнда аниқловчи тажриба-синов учун Дж.Брунернинг “Тафаккур типлари ва креативлик даражасини аниқлаш” ва А.А.Алексеев, Л.А.Громоваларнинг “Тафаккур услублари” сўровномаларидан фойдаланилди.

Талабалар тафаккур типлари ва креативлик даражаси умумий ҳамда таълим босқичлари бўйича ўрганилди. Шунингдек, респондентлар тафаккур типларининг намоён бўлишидаги мазмуний боғлиқликни аниқлашда эса кўрсаткичлар ўртасидаги корреляцион таҳлил амалга оширилди. Тадқиқотда талабаларнинг умумий ўртача натижалари ва методика шкалаларининг хусусиятларига кўра, “Белгили тафаккур” (9,23) етакчи тафаккур типи сифатида кузатилди. Шунингдек, уларда “Образли тафаккур” типи (7,70), “Предметли тафаккур” типи (6,99), “Креативлик” (6,90) ва “Символли тафаккур” типлари (5,67) ўзаро уйғунликда намоён бўлиши мумкинлигидан далолат бермоқда.

Ушбу кўрсаткичлар талабалар таълим жараёнида ёки ҳаётий масалалар устида бир хил тафаккур типидан кўра, хилма-хил тафаккур типларига таянган ҳолда муаммолар ва вазиятлар ечимини топишда ёндашишларини кўрсатмоқда. Бу ҳолат улар тафаккурида қайси тафаккур типи устуворлик қилмоқда, деган саволга жавоб топиш имкониятини тўлиқ бермаслиги мумкин. Шунини инобатга олган ҳолда, талабалар тафаккур типларининг намоён бўлишига кўра, улар ўртасидаги ўзаро корреляцион муносабатларни таҳлил қилишга ҳаракат қилинди ва кўрсаткичлараро корреляцион таҳлил амалга оширилди (1-жадвал).

Эмпирик кўрсаткичларга кўра, талабалар тафаккур типлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик корреляцион таҳлилида “предметли тафаккур” устуворлигининг ортиши “символли тафаккур” типининг ўсишига сабаб бўлар экан ($r=0,193$, $p\leq 0,05$). Кўрсаткичларга кўра, талабалар муаммоларни ечимини топишда предметлар билан боғлиқ ҳаракатларни амалга оширишлари, янгилик яратишда эса ғояларга таянишар экан.

Талабаларда “предметли тафаккур”нинг яхши ривожланганлиги “креативлик”нинг ҳам ўсишига ($r=0,200$, $p\leq 0,05$) хизмат қилади. Ушбу кўрсаткичлар талабалар ахборотлар устида тушунган ҳолда ишлашлари креативлик, ижодкорлик қобилиятини ўсишига, янги принципиал ғояларни яратилишига сабаб бўлишини ифодалайди.

1-жадвал

Талабалар тафаккур типлари ва креативлик ўртасидаги корреляцион боғлиқлик ($n=450$)

	Предметли тафаккур	Символли тафаккур	Белгили тафаккур	Образли тафаккур	Креативлик
Предметли тафаккур	1	0,193*	-0,040	-0,044	0,200*
Символли тафаккур		1	0,236**	-0,087	0,025
Белгили тафаккур			1	-0,031	-0,198*
Образли тафаккур				1	-0,057
Креативлик					1

Изоҳ: * $p\leq 0,05$, ** $p\leq 0,01$

Шунингдек, талабаларда “символли тафаккур”нинг юқори даражаси “белгили тафаккур”нинг ўсишини ($r=0,236$, $p\leq 0,01$) таъминлайди. Бу эса талабалар ахборотларни ўзлаштиришда арифметик амаллар устида ишлаш ва изланиш уқувига таянган ҳолда иш тутишлари, тезкор, тартибли, изчил, тизимли ва аниқ символларга таянишларидан далолат беради.

Тадқиқотда талабаларда “белгили” тафаккур билан “креативлик” ўртасида тесқари корреляцион муносабат ($r=-0,198$, $p\leq 0,05$) кузатилди. Методиканинг шартига кўра, “белгили тафаккур” типининг устуворлиги гуманитар йўналиш талабаларига хосдир. Бу ҳолат табиий ёки аниқ фанлар таълим йўналиши талабалариникидан фарқ қилмоқда.

Таълим жараёнида талабаларнинг тафаккур типлари билан бир қаторда, тафаккур услубларининг ривожланганлик хусусиятлари ўрганилди. Бу ҳолатга муаммоли вазиятларда, аниқ қўйилган топшириқлар, мавҳум топшириқлар, лойиҳалар, мустақил таълим топшириқлари, ҳамкорликдаги фаолият ёки индивидуал тарзда вазифаларни ҳал қилиш зарурати туғилганида тафаккур услублари ўзгариши хоссасидан келиб чиқиб ёндашилди. Ушбу ҳолатни инобатга олган ҳолда, изланишларимизда талабалар тафаккур услублари ўртасидаги боғлиқликни ўрганишга эътибор қаратдик (2-жадвал).

Талабалар тафаккур услубларига кўра, ижобий ва салбий корреляцион муносабатларни акс эттирувчи иккита коэффицент аниқланди. “Синтетик

тафаккур услуги” билан “ғоявий тафаккур услуги” ўртасида ($r=-0,207$, $p\leq 0,05$) салбий боғлиқлик кузатилди. Бу талабаларда ўқув жараёнида янгилик яратишга, оригинал ишларни амалга оширишга, ғояларни ўзаро боғлашга, баъзан қарама-қарши ғоя ва маълумотларни бирлаштиришга мойиллик бўлса-да, муаммони икр-чикирларигача таҳлил қилолмаслик, уни умумий ҳолда баҳолашга мойилликнинг мавжудлиги билан изоҳланади. Шунингдек, талабаларда “Прагматик тафаккур услуги” билан “аналитик тафаккур услуги”лари ўртасидаги ижобий корреляцион боғлиқлик ($r=0,199$, $p\leq 0,05$) кузатилди. Бундай талабаларда бевосита ўзининг шахсий тажрибасига таянган ҳолда қарорлар қабул қилиш, қулай ва енгил бўлган материаллардан фойдаланишга, тез натижа олишга интилишлари устуворлик қилиши билан бирга, муаммоларга атрофлича ва тизимли қарашлари, унинг деталларигача эътибор қаратишнинг ортиши, қарор қабул қилишдан олдин муаммо юзасидан объектив далиллар, ахборотлар тўплашга интилишининг ўсишига олиб келар экан.

2-жадвал

Талабалар тафаккур услублари орасидаги корреляцион муносабат кўрсаткичлари (n=450)

Шкалалар	Синтетик услуб	Ғоявий услуб	Прагматик услуб	Аналитик услуб	Реалистик услуб
Синтетик услуб	1	-0,207*	0,097	0,109	-0,055
Ғоявий услуб		1	-0,019	0,066	-0,037
Прагматик услуб			1	0,199*	0,014
Аналитик услуб				1	-0,126
Реалистик услуб					1

Изоҳ: * $p\leq 0,05$

Талабалар тафаккур типлари ва услублари ўртасидаги муносабатни ўрганиш орқали уларнинг ўзаро боғлиқликларига аниқлик киритилди (3-жадвал).

Талабаларнинг тафаккур типлари билан услублари ўртасидаги ички боғлиқлик қонунияти қатор аҳамиятли коэффициентларга эга бўлди.

Синалувчиларда “белгили тафаккур” типининг устуворлиги “синтетик” тафаккурлаш услубининг ўсишига сабаб бўлар экан ($r=0,263$, $p\leq 0,01$). Бу ҳолат “Белгили тафаккур” услуги устувор бўлганда, яъни гуманистик ақл соҳиби бўлган талабалар доимий равишда ўқув материаллари билан ишлаётанда аниқ мазмунга эга предметлар ва тушунчалар асосида ишлашга мойил, хулосалар чиқариш асносида ахборотларни ўзлаштиришини характерлайди. Бу эса янгилик яратишга, оригинал ишларни амалга оширишга, ғояларни ўзаро боғлашга ва монанд келмаган нарсаларни, баъзан қарама-қарши ғоя ва маълумотларни бирлаштириш қобилиятларининг ривожланишига сабаб бўлишини билдиради.

Талабалар тафаккур услублари ва типлари орасидаги корреляцион муносабат кўрсаткичлари (n=450)

Шкалалар	Предметли тафаккур	Символли тафаккур	Белгили тафаккур	Образли тафаккур	Креативлик
Синтетик услуб	0,049	0,018	0,263**	-0,001	0,165*
Ғоявий услуб	0,038	-0,019	-0,140	0,061	0,025
Прагматик услуб	0,157	0,072	0,092	0,258**	0,078
Аналитик услуб	0,108	0,068	0,038	0,071	0,056
Реалистик услуб	-0,171*	0,134	0,177*	-0,111	-0,091

Изоҳ: * $p \leq 0,05$, ** $p \leq 0,01$

Талабалардаги креативликнинг ўсиши билан боғлиқ ҳолат “синтетик тафаккур услуби”нинг ривожланишига сабаб бўлиши мумкинлигини ҳам кўрсатмоқда ($r=0,165$, $p \leq 0,05$). Натижанинг бундай кўриниши татбиқ қилинган методикалар хусусиятига тўла мос келмоқда. Таълим субъектларида “образли тафаккур” типи етакчилик қилиши “прагматик тафаккур” услубининг ривожланишига сабаб бўлаётганлигини кўрсатмоқда ($r=0,258$, $p \leq 0,01$). Демак, таълим жараёнида шундай тоифа талабалар мавжудки, улар ўқув материалларини ўзлаштириш жараёнида жисмоний чекловларга эга эмаслиги, кўргазмали материалларга бой маълумотларни ҳаракатлар билан уйғунлаштирган ҳолатда ўзлаштиришлари мумкин эканлигини англатади. Оқибатда талаба ўзининг шахсий тажрибасига таяниб қарорлар қабул қилади, материалларни қулай ва енгил ўзлаштиришга ҳамда ахборотлардан фойдаланишда тез натижа олиш усуллари қўллашга интилади.

Таҳлиллар талабаларнинг ўқув фаолиятида тафаккур типлари ва услубларида ўзига хос тафовутлар, ўзаро алоқадорликка эга ҳамда ўзаро етарлича ички боғлиқликка эга бўлмаган жиҳатлари ҳам мавжуд эканлигини кўрсатди.

Диссертациянинг учинчи боби “Талабалар тафаккурини ривожлантиришнинг психологик механизмлари тузилмаси” деб номланади. Ушбу бобда талабалар ижодий тафаккурини ривожланиш хусусиятлари, муаммоли топшириқларнинг ижодий тафаккурни ривожлантиришга таъсири, респондентлар тафаккурини ривожлантиришда ўқув машғулотларини ташкил этишнинг таъсири, талабалар тафаккурини ривожлантиришнинг психологик механизмлари тузилмаси таҳлили ёритилган.

Талабаларда таълим жараёнида ўзлаштирилган касбий билим, кўникма ва малакаларни турли ҳаётий вазиятларда қўллай олиш маҳоратини шакллантириш мақсадида ижодий тафаккурнинг ўсишига тўртки берувчи топшириқларни қўллаш натижаларидан тадқиқотнинг навбатдаги босқичида фойдаланилди. Бунинг учун муаммоли вазиятларнинг ечимини топишга қаратилган Эдвард де Бононинг “Тафаккурни ривожлантириш” курси билан узвий ҳолда креативликни ривожлантириш топшириқларидан фойдаландик.

Ривожлантирувчи топшириқлар татбиқидан сўнг респондентлар тафаккури, хусусан, ижодий тафаккури диагностикаси амалга оширилди. Тажрибанинг дастлабки натижаларидаёқ, талабаларга аниқ кўрсатмалар ва ижодий фикрлашга ўргатувчи топшириқларни бериш улар тафаккурининг ривожланишига ижобий таъсири кузатилди. Бу ҳолат “Ижодий тафаккур” тест батареясини татбиқ қилиш натижаларида ўз аксини топди. Тест серияларининг биринчи ва иккинчи синов кўрсаткичлари ўртасида кескин тафовут аниқланди. Деярли барча серия топшириқларини бажаришдаги иккинчи синов натижалари кўрсаткичларида биринчисига нисбатан аҳамиятли фарқлар аниқланди. Ушбу ҳолатга талабаларга тест топшириқларини бажаришдан олдин берилган тафаккурни ўстириш курси ва ижодий топшириқларни ечиш тўғрисидаги кўрсатмаларнинг таъсири асосий сабаб бўлди. (4-жадвал) .

4-жадвал

Талабаларнинг “Ижодий тафаккур” тест батареяси субтестлари бўйича натижалари (n=84)

Субтест	Топшириқ шакли	Синов босқич	X	σ	t
1-субтест	Предметлардан фойдаланиш	Биринчи синов	37,62	5,12	-9,577***
		Иккинчи синов	46,52	4,64	
2-субтест	Хулоса	Биринчи синов	35,50	5,21	-11,071***
		Иккинчи синов	42,44	4,73	
3-субтест	Ифодалаш	Биринчи синов	37,62	5,12	10,752***
		Иккинчи синов	45,94	3,12	
4-субтест	Сўзли ассоциация	Биринчи синов	35,00	5,24	-9,574***
		Иккинчи синов	39,48	4,49	
5-субтест	Тасвирлар ҳосил қилиш	Биринчи синов	32,26	6,07	-7,939***
		Иккинчи синов	37,84	4,62	
6-субтест	Эскизлар	Биринчи синов	33,90	5,45	-5,119***
		Иккинчи синов	37,08	4,32	
7-субтест	Яширинган шакл	Биринчи синов	34,84	5,31	-6,889***
		Иккинчи синов	39,06	4,47	

Изоҳ: *** $p \leq 0,001$

Талабаларнинг кўрсаткичлари шундан далолат бермоқдаки, ижодий тафаккурнинг ривожланиши учун доимий изланиш, аниқ ва тезкор фикрлаш, оригинал мулоҳазалашни тақозо қилувчи вазиятлар ўқув машғулотлари жараёнида жорий этиб борилиши зарур, деган хулосани бермоқда.

Тажрибада таълим жараёнининг ташкил этилиши хусусиятидан келиб чиққан ҳолда талабалар тафаккурининг ривожланишини ҳолати таҳлил қилинди (5-жадвал). Бунинг учун ўқув машғулотларининг услубий жиҳатдан тўрт турига таянилади: маъруза, семинар, амалий (кичик гуруҳларда ишлаш), лойиҳа-тадқиқотчилик фаолияти.

Ўқув машғулотларининг ташкилий-услубий хусусиятига кўра талабалар ижодий тафаккури кўрсаткичлари (амалий машғулот ва лойиҳа-тадқиқотчилик) (n=56)

Субтестлар	Амалий (кичик гуруҳларда ишлаш)						Лойиҳа-тадқиқотчилик фаолияти						t		
	Тезлик		Эгилувчанлик		Оригиналлик		Тезлик		Эгилувчанлик		Оригиналлик		T	э	o
	X	σ	X	σ	X	σ	X	σ	X	σ	X	σ			
Предметлардан фойдаланиш	11,70	1,26	13,86	3,28	10,50	3,79	12,20	1,62	14,06	3,27	11,16	3,63	-2,28*	-1,64	-2,11
Хулосалаш	10,13	2,12	16,50	4,15	8,06	2,57	9,20	1,66	15,60	3,97	8,50	2,33	2,39*	2,37	-0,57
Ифодалаш	9,53	1,92	16,03	3,58	9,50	4,01	9,96	1,56	16,10	3,48	8,50	3,25	-2,09*	-0,21	1,23
Сўзли ассоциация	11,23	2,28	16,13	3,70	7,16	2,84	11,70	2,27	16,93	4,16	10,06	3,95	-1,45	-1,76	-3,17
Тасвирлар ҳосил қилиш	11,13	1,94	18,96	4,21	9,63	2,52	11,53	2,40	20,60	3,90	9,33	3,40	-1,24	-3,00**	0,45
Эскизлар	11,20	1,12	21,50	3,11	7,00	2,49	13,53	2,71	22,20	3,57	11,00	4,02	5,14***	-1,52	-4,94***
Яширинган шакл	11,17	1,01	21,35	3,10	7,50	2,54	13,80	2,59	23,00	2,97	10,46	3,52	5,04***	-2,80*	4,04***


Изоҳ:*** p≤0,01; * p≤0,05

Талабаларнинг маъруза, семинар, кичик гуруҳларда ишлаш ва лойиҳа-тадқиқотчилик фаолияти асосида ўқув топшириқларини бажаришдаги иштироки натижалари машғулот мобайнида ҳамда ўқув семестри якунида “Ижодий тафаккур”ни ўрганиш тестини татбиқ этиш орқали уларнинг тафаккури ривожланишига таъсири самарадорлигини аниқлашга эришилди. Натижада талабалар тафаккурининг ривожланишида, хусусан, ижодий тафаккурнинг ривожланишида лойиҳа-тадқиқотчилик фаолиятига асосланган машғулот ташкилий-услубий жиҳатдан мураккаб бўлса-да, аммо энг самарали машғулот тури эканлиги аниқланди.

“Предметлардан фойдаланиш” субтестига кўра лойиҳа-тадқиқотчилик фаолиятини ташкил этиш (11,70 ва 12,20 балл, $t=-2,28$, $p\leq 0,05$) кичик гуруҳларда топшириқларни бажаришга нисбат тафаккур тезлигини; “Хулосалаш” субтестига кўра кичик гуруҳларда топшириқларни бажариш лойиҳа-тадқиқотчилик фаолиятига нисбатан (10,13 ва 9,20 балл, $t=-2,39$, $p\leq 0,05$) тафаккур тезлиги устуворлигини; “Ифодалаш” субтести бўйича эса талабаларнинг лойиҳа-тадқиқотчилик фаолиятида топшириқларни бажаришлари тезлик жиҳатдан кичик гуруҳларда вазифаларни бажаришга нисбатан (9,53 ва 9,96 балл, $t=-2,09$, $p\leq 0,05$) устуворликка эга эканлиги аниқланди. Бундан кўринадики, талабалар тафаккурининг ривожланиши ва унинг сифатини белгиловчи тезлик ва эгилувчанлик хусусиятлари ҳар иккала машғулотлар ёрдамида ҳам шакллантирилиши мумкин экан.

“Тасвирларни ҳосил қилиш” субтестига кўра, талабалар тафаккурининг тезлигини таъминлашда эгилувчанлик муҳим сифат бўлиб ўрин эгаллаб, машғулотларни лойиҳа-тадқиқотчилик услуби асосида ташкил қилиш мақсадга мувофиқ экан (18,96 ва 20,60 балл, $t=-3,00$, $p\leq 0,001$). Чунки лойиҳа-тадқиқотчилик фаолиятида шошиш, ўзига ишончининг етишмаслиги, аниқ мезонларга таяниб хулоса қилмаслик ижобий натижалар бера олмаслиги табиий. Талабаларнинг “Эскизлар” субтести (11,20 ва 13,53 балл, $t=-5,14$, $p\leq 0,001$), (7,00 ва 11,00 балл, $t=-4,94$, $p\leq 0,001$) ва “Яширинган шакллар” субтести бўйича ҳам лойиҳа-тадқиқотчилик фаолияти асосида (11,17 ва 13,80 балл, $t=-5,04$, $p\leq 0,001$; 21,35 ва 23,00 балл, $t=-2,80$, $p\leq 0,05$; 7,50 ва 10,46 балл, $t=4,04$, $p\leq 0,001$) машғулотларни олиб бориш амалий машғулотларни кичик гуруҳларда ташкил қилишга нисбатан юқорироқ самарадорликка эгалигини кўрсатди. Олинган натижалар асосида талабалар тафаккурини ривожлантиришда машғулотларни лойиҳа-тадқиқотчилик фаолияти тарзида ташкил қилиш ақлий ҳаракатларнинг тезлиги, эгилувчанлиги ва оригиналлигини таъминлашга хизмат қилар экан.

Тадқиқотнинг барча босқичидан олинган илмий натижалар ва уларнинг таҳлилий кўрсаткичлари асосида талабалар тафаккурини ривожлантиришнинг психологик механизмларини шакллантиришга эришдик (1-расм).



1-расм. Талабалар тафаккурини ривожлантиришнинг психологик механизмлари тузилмаси

Талабаларда тафаккурни ривожлантиришнинг психологик механизмлари тузилмасини белгиловчи учта осттузилмалар мавжудлиги аниқланди:

таълим жараёнида қўлланиладиган топшириқлар;

тафаккурни ривожлантиришнинг мотивацион, хусусиятли, услубий ва типлаштириш компонентлари;

тафаккурни ривожлантириш принциплари ва шарт-шароитлари.

Ушбу осттузилмалар таркибий элементларининг таълим жараёнида иштирок этиш хусусияти ва даражаларига кўра талабалар (ижодий) тафаккурини ривожлантириш ҳолатини баҳолаш мумкин.

Шунингдек, талабалар иждодий тафаккурининг ривожланишини характерловчи қатор хусусиялар кузатилди:

ақлий топшириқлар устида ишлашда юқори даражали мотивациянинг мавжудлиги;

янги маҳсулдор услубни қўллашга хайрихоҳлик;

оддий мантикий хулосаларга таянмаган ҳолда интуицияга таяниш;

муаммони қўя олиш ва унинг ечимларига мустақил ёндашиш;

ижодий тафаккурнинг муҳим томони янги натижалар олиш ва янги маҳсулот бериш.

Таълим жараёнида иждодий тафаккурнинг намоён бўлиши ва ривожланишига таъсир кўрсатувчи омилларга субъектив, шахслилик ва вазият, шарт-шароитга боғлиқ омилларни киритиш мумкин. Вазиятли омиллар таъсирига: вақт етишмаслиги, стресс ва хавотирланиш хавфи, мотивациянинг юқори ва қуйи даражада эканлиги; шахслилик омилларига: ўзига ишонмаслик (ўзини ўзи паст баҳолаш), бағоят ортиқ ўзига ишониш, тушкун кайфият ва салбий эмоцияларнинг устуворлиги, таваккалчиликнинг етишмаганлиги, муваффақиятсизликдан қочиш мотивацияси муваффақиятга интилиш мотивациясидан устун келиши, безовталанувчи шахс эканлиги, шошқалоқлик ва бошқалар сабаб бўлади.

Келтириб ўтилган осттузилмалар ва уларнинг таркибий элементларига кўра, тафаккурни ривожлантиришга эътибор қаратиш, шубҳасиз, қутилган натижаларга эришишга хизмат қилади.

ХУЛОСАЛАР

1. Махсус машғулотлар ўтказилиши натижасида тушуниш тафаккурнинг таркибий қисми эканлиги, улар алоҳида ҳукм суриши мумкин эмаслиги аниқланган бўлса, миқдорларнинг таҳлили, назарий мушоҳадалар тушунишнинг уч босқичи, уч типи мавжудлигини кўрсатди. Шу билан бирга, тушуниш турлари ва типлари машғулотларда устуворлик аҳамият касб этар ва тобора такомиллашар экан.

2. Талабалар тафаккури табиати хилма-хил ва мураккаб тузилмаларидан иборат билиш жараёни бўлиб, уни ёритишда услублар ва типлар муҳим аҳамиятга эга эканлиги намоён бўлди. Улар ахборотларни ўзлаштиришда предметлар устида ишлаш орқали мулоҳазаловчи; дунёни билишда символлар, аниқ формула ва математик ҳисоб-китобларга таянувчи;

воқеа-ходисаларни умумлаштириш тамойилларига кўра ўрганувчи; масалалар ечимини образларга таяниб баҳоловчи ва ижодий ёндашув асосига мутаносиб экан.

3. Таълим жараёнида талабалар янгилик яратишга, оригинал ишларни амалга оширишга, ғояларни ўзаро боғлашга ҳамда монанд келмаган, қарама-қарши ғоя ва маълумотларни бирлаштиришга мойил бўлиши; янги ғояларни осон илғайдиган, ўзининг шахсий тажрибасига таяниб қарорлар қабул қиладиган, муаммоларга атрофлича ва тизимли қарашга лаёқатли, ўз кўзи билан кўрган ёки эшитган воқеликларни адекват баҳолашга қобилиятли тафаккур субъекти бўлиши кузатилди.

4. Талабалар ўқув фаолиятида ижодий тафаккурнинг ривожланиши аниқ тартибланган, ўзаро узвийлик ва доимий равишда таъсир кўрсатиш имкониятига эга воситалар ва шарт-шароитлар билан таъминланади. Бу талабалар ўқув фаолиятининг қайси босқичи, таълим йўналиши ва машғулот туридан қатъи назар ташкил қилинадиган муҳим жараён ҳисобланади. Ижодий тафаккурнинг ривожланишида топшириқларнинг оддийдан мураккабга қараб йўналтирилиши, вазиятларнинг тезкор, аниқ, пухта ва оригинал ечимлар топишни белгиловчи мезон бўлиб хизмат қилди.

5. Талабаларда ижодий фикрлашни шакллантириш жараёни муаммоли топшириқларнинг ўқув жараёнига тааллуқли масалалар билан бир қаторда, стандарт мулоҳазалашдан ностандарт фикрлашга йўналтирилган ҳаётий масалалар устида ишлаш билан бойитилишига эришилди. Муаммоли ва ижодий фикрлашга ундовчи топшириқлар талабаларда фаолликни вужудга келтиради, иродавий зўр бериш билан қуролланишга шарт-шароит яратади. Бу эса уларда ўқув фаолияти учун ижобий, ижодий ва фаоллик билан изланиш муносабатини таъминлайди.

6. Бир неча серияли муаммоли топшириқлар кўйилиши талабаларда топшириқ мазмунини англаш, табиатини баҳолаш ва ечимлар топиш учун ўзига хос муносабатни юзага келтиради. Таълим йўналишидан қатъи назар муаммолли топшириқлар талабаларда тез, аниқ, ихчам, пухта ва оригинал фикрлаш кўникмаларининг шаклланишига хизмат қиладди. Шу билан бирга, муаммоли вазият шахс имкониятларини рўёбга чиқаришнинг муҳим омили эканлиги ўзини намоён этди.

7. Тажрибалар ижодий фикрлаш жараёни ҳар бир фан йўналиши, таълим босқичи ва таълим оловчиларнинг индивидуал хусусиятларини инобатга олиш оператив ва тежамкорлик, оператив мураккаблик, соддаллик ва қулайлик, индивидуал ва гуруҳий ишлашга хизмат қилувчи вазифалар характерига эга бўлиши лозимлигини тақозо этди. Ижодий фикрлашга ўргатувчи топшириқлар мазмуни баёни, унинг ишлаш технологияси, топшириқ натижалари муҳокамаси ва унинг шаклланганлигини баҳоловчи диагностика тизимига эгаллиги ўрганилаётган муаммони ҳақиқий табиатини ёритишда муҳим шарт сифатида хизмат қилди.

8. Талабалар тафаккурини ривожлантиришда маъруза, семинар, амалий ва лойиҳа-тадиқотчилик фаолияти ўқув машғулотларини таъсири ўзига хос

ўринга эга. Улар орасидан лойиҳа-тадқиқотчилик фаолиятига асосланиб ўқув-машғулотларни ташкил этиш талабалар тафаккури тезлиги, эгилувчанлиги, оригиналлигини намоён бўлишига самарали таъсир этади.

МЕЛИБАЕВА РУЗАХОН НАСИРОВНА

**ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ МЕХАНИЗМЫ РАЗВИТИЯ
МЫШЛЕНИЯ СТУДЕНТОВ**

19.00.06 – Возрастная и педагогическая психология. Психология развития

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ПСИХОЛОГИЧЕСКИМ
НАУКАМ**

Ташкент – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по психологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2017.2.PhD/Psi30.

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (ik-falsafa@nuu.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Газиев Эргаш Газиевич доктор психологических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Жабборов Азим Меликулович доктор психологических наук, профессор Сирлиев Бахтиёр Назарович, кандидат психологических наук, доцент
Ведущая организация:	Ташкентский государственный педагогический университет

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 года в ____ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.PSI.01.07 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, г. Ташкент, улица Университетская, дом 4. Тел.: (99871) 246-52-74, факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nu.uz. Национального университет Узбекистана, здание факультета социальных наук, 5-этаж, 511-кабинет.)

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана. (зарегистрирована за № ____). (Адрес: 100174, г. Ташкент, улица Университетская, дом 4. Главный учебный корпус НУУз, отсек «В», 2-этаж, 217-кабинет. Тел.: (99871) 246-67-71, факс: (99871) 246-02-24.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 года.
(реестр протокола рассылки №__ от «__» _____ 2018 года.)

Г.Б. Шоумаров,
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.психол.н., профессор

А.И. Расулов,
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней,
к.психол.н., доцент

Н.С. Сафаев,
Председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению
ученых степеней, д. психол. н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора (PhD) философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировой системе образования обучение здоровомыслящей, одаренной, талантливой и творческой личности, а также ее подготовка к развитию общества являются приоритетной задачей системы образования каждой страны. По сведениям ЮНЕСКО, именно в высшем образовательном учреждении реализуются возможности достижения устойчивого развития жизненно необходимых знаний, умений и навыков. В настоящее время в самых развитых странах мира стремительно растет потребность в получении высшего образования. Статистические данные свидетельствуют о том, что если в неразвитых странах в университетах учится 8 % молодежи, то в самых развитых странах этот показатель составляет 74 %.⁴ Овладение высшим образованием является одной из важнейших потребностей человечества в мировом масштабе, следовательно, при ее удовлетворении актуализируется проблема обогащения содержания образовательного процесса, совершенствования деятельности педагогов, развития интеллектуальных способностей, мышления студентов.

В мировых научных исследованиях по психологии мышления нашли отражение вопросы формирования теоретического и практического, инновационного, креативного, композиционного, критического, технического мышления, влияния образовательных ресурсов и информационных технологий на развитие визуального мышления, культура мышления и его развитие посредством изучения иностранных языков. Особый научный интерес представляют психологические механизмы развития творческого мышления, условия и предпосылки их реализации. Актуальность и значимость проблемы развития творческого мышления обусловлены в настоящее время востребованностью таких его качеств, как оригинальность, гибкость, скорость, точность, а также высоким потенциалом технологий проблемного обучения, обучения в сотрудничестве и проектно-исследовательской деятельности в контексте развития мышления у студентов.

В период независимости в нашей стране вопросам реализации интеллектуального потенциала молодежи уделяется особое внимание. В частности, в Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017–2021 годах определены задачи по «воспитанию физически здоровой, духовно и интеллектуально развитой, самостоятельно мыслящей, преданной Родине молодежи с твердыми жизненными взглядами, повышению ее социальной активности в процессе углубления демократических реформ и развития гражданского общества».⁵ В настоящее время среди реализуемых мер важнейшими являются: выполнение

⁴ <https://thinktanks.by/publication/2017/04/21/yunesko-kolichestvo-studentov-v-mire-s-2000-po-2014-god-udvoilos.htm>

⁵ Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» / «Народное слово» от 8 февраля 2017 года № 28 (6692).

научно-исследовательских работ по активизации учебной деятельности студентов, совершенствование психологических механизмов развития мышления, обеспечивающих самостоятельный и творческий подходы в обучении, усвоение востребованных в профессиональной деятельности знаний, умений и навыков.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, определенных в Законе Республики Узбекистан «О государственной молодежной политике», принятом 14 сентября 2016 года, Указе Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года № УП-4947, постановлении «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования»⁶ от 20 апреля 2017 года № ПП-2909, а также других нормативно-правовых актах, касающихся данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике. Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий в республике I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического государства и правового общества, формирование инновационной экономики».

